

ШАРТНОМА № 1

(озик овкат махсулотлари ва товар моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш хақида)

7 январь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «BAG`DOD NON» МЧЖ (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Р.Равшанжонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Тиббиёт бирлашмаси номидан раҳбари Ж Шерғозиев (келгусида «Харидор» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» махсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган қуйидаги махсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Махсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Қолипли нон 1-нав 500гр	кг	1800	2608.7	4695652,17	704347,83	5 400 000
	Жами:						5 400 000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 5.400.000 (Беш миллион тўрт юз минг) сўмини ташкил этди.

2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

- Ушбу шартномани 6.2 бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини «Харидор» дан талаб қилишга;
- «Харидор» шартнома шартларини бузган ҳолда махсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош торттиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан махсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, «Сотувчи» махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан қўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир;

2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган махсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган миқдорда ва муддатларда омордан бериш;(сотиш).
- Етказиб берилаётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос келишини таъминлаш;
- Махсулотга тўлов ёки товар транспорт хужжатларини махсулот қабул қилинган кунни расмийлаштириб бериш;
- «Сотувчи» махсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- Агар «Сотувчи» шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2022йил 25 январгача «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш;
- Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. «Харидор»: нинг ҳуқуқлари

- Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишини «Сотувчи»дан талаб қилиш;
- «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;
- Зарур сифатта мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хоҳишига кўра «Сотувчи»га махсулотни қайтариш;
- Зарур сифатидаги махсулотни «Сотувчи» ўз ҳисобидан Харидорга қайта етказиш;
- Муддатлар бузилган ёки зарур сифатта мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.
- «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни,бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорда тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

1. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижрония органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олилмаганлигини (қелажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

2. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижрония органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинорий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий қундалиқ фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳавада зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича яқуний ҳужжатлар тузилган сана «**Сотувчи**» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Яқуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича «**Харидор**» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Олинadиган туркумдаги маҳсулот учун тегишли бўлган ҳақ «**Сотувчи**»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «**Сотувчи**» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни «**Харидор**»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги маҳсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Маҳсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «**Сотувчи**»нинг ходими «**Харидор**»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«**Харидор**» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд маҳсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «**Сотувчи**»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камидан 5 кун олдин хабардор қилади.

4.6. «**Харидор**» маҳсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, маҳсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «**Харидор**»нинг ўзи жавоб беради.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. «**Сотувчи**» етказиб бериладиган маҳсулотни сифати ва меъёр талабларига жавоб беришни таъминлайди, маҳсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Маҳсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

6. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Маҳсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «**Сотувчи**» «**Харидор**»ни ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг «**Харидор**» етказиб бериладиган туркум маҳсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

6.3. Агар етказиб берилаётган маҳсулотга (хом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва ҳокозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу маҳсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Маҳсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**»га кечиктирилган ҳар бир мажбурият бажарилмаган қисмини 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

7.2. Маҳсулот сифати ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган маҳсулот етказиб берилганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**» га ушбу маҳсулот баҳосининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

7.3. Бут бўлмаган маҳсулот етказиб берилганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**» га етишмаётган қисмлари қийматини қўшган ҳолда, бут бўлмаган маҳсулот қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

7.4. Етказиб берилган маҳсулот танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асоссиз рад этганлиги учун «**Харидор**» «**Сотувчи**» га танлаб олинмаган маҳсулот баҳосининг 5% миқдорида тез бузиладиган маҳсулот учун эса 10% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Шартномада кўрсатилган маҳсулот учун вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик учун «**Харидор**» «**Сотувчи**» га ўтказиб юборган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.5% миқдорда пеня тўлайди, бунда пеня суммасини кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

8. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зиلزила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳокозо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

9. НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

9.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар хўжалик суди томонидан хал қилинади.

10. ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабргача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Ҳазначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

“BAG‘DOD NON” МЧЖ

Бағдод шаҳарчаси

Х/р: 20208000905137810001

Атб Агробанк Бағдод бўлими

МФО: 00504 ИНН: 308340633

«ХАРИДОР»

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси

Бағдод ш. Бирдамлик №12-уй

Шх/р: 100022860302097073101054001

СТИР: 200158873 Оконх: 91511

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги ягона

Ҳазна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Ҳазначилик бўлими СТИРи 201122919

Р.Равшанжонов

Раҳбар: в.б

Ж.Шерғозиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi – Shartnoma

2.Loyihaning nomi – “Bag’dod NON” MCHJdan 5.400.000 so’mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish to’grisida.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Bag’dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 7 yanvar kuni taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag’dod tuman yuridik xizmat
ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov